



“Аёллар дафтари” рўйхатидаги хотин-қизларни
Наманган-Бухоро йўналишида Саёхат(Туризм)
тадбирларини ўтказиш бўйича

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

БҮЮРТМАЧИ: Наманган шаҳар хокимлиги

Наманган-2022

1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАҲЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

1.1.Товар ва хизматларнинг характеристикаси

№	Номи	миқдори	нархи	суммаси
1	Наманган-Бухоро-Наманган	150 комплект	1 000 000	150 000 000
	ЖАМИ	150 комплект		150 000 000
Бухоро шаҳрига 2022йил ноябр-декабрь ойларида(3 кун 2 кеча) туристик хизматларни ташкил этиш бўйича калькуляция				
1	Наманган-Поп-Наманган транспорт хизмати	Бир комплект	40 000	40 000
2	Поп - Бухоро темир йул чиптаси	Бир комплект	180 000	180 000
3	Бухоро - Поп темир йул чиптаси	Бир комплект	180 000	180 000
4	Бухоро ички транспорт хизмати (2 кунлик)	Бир комплект	150 000	150 000
5	Мехмонхона хизмати 1-сутка (1 сутка учун-200 000 сўмдан)	Бир комплект	200 000	200 000
6	Бухоро кириш билетлар (Гид экскурсавод хизмати)	Бир комплект	50 000	50 000
7	2 марта Тушлик 2 марта Кечки овкат (50 000 сўмдан)	Бир комплект	200 000	200 000
	Жами		1 000 000	1 000 000

1.2. Танлов қиймати 150 000 000 (бир юз эллик миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Хизмат бўйича Техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан етказиб берувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Етказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 8 календар кун.

1.5. Харидларни етказиб бериш муддати муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Наманган шаҳар Ҳокимлиги “(бундан кейин –«Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Наманган шаҳар Хуррият кўчаси 66 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 10-15 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқоролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (20 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар «БУЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, «БУЮРТМАЧИ» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар таркиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камда уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камда ўн кунга ўзайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қондаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш кун ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камда икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориш шарт. Танлов хужжатларининг қондаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.